

№13  
(1499)  
2024-YIL  
4-IYULO'ZBEKISTONDA  
SOG'LIQNI SAQLASHЗДРАВООХРАНЕНИЕ  
УЗБЕКИСТАНА

t.me/uzbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

## ЗАМОНАВИЙ НЕЙРОХИРУРГИЯ

ЮРТИМИЗДА 15 ТА ЯНГИ НЕЙРОЖАРРОХЛИК  
АМАЛИЁТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

*Замонавий нейрохирургия жаррохликнинг "энг ёш" соҳаларидан биридир. Унда клиник тиббиётнинг периферик ва марказий асаб тизими органик касалликлари ўрганилади. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази юртимиз аҳолисига нейрожаррохлик ёрдами кўрсатиш бўйича бош тиббиёт муассасаси этиб белгиланган.*

Марказ 130 ўринга мўлжалланган, унда кон томирлари, болалар, орқа ва бош мия нейрохирургияси, периферик нервлар патологияси ва реабилитацияси, нейроонкология, шошилич нейрохирургия бўлимлари фаолият юритади. Уларда болалар ва катталарда учрайдиган нейрохирургик касалликларни диагностика қилиш ва даволашда энг замонавий юқори технологияли усуллардан фойдаланилади. Республика ҳудудларида марказнинг 13 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда нафақат Ўзбекистондан, балки бир қатор яқин ва узоқ хориз давлатларидан келган беморлар даволаниб, шифо топади. Ҳозир жаҳонда тиббиёт йўналишида жуда катта ютуқлар қайд

этилмоқда. Марказ ходимлари ҳам тегишли йўналишлар бўйича мунтазам малака ошириб, кўплаб амалий ва илмий натижаларни кўлга киритишяпти. Республика бўйлаб охириг уч йил давомида 15 та янги услубдаги нейрожаррохлик амалиёти йўлга қўйилди. Масалан, бош мия ўсмаларининг даволаниш турлари қаторига ўсмаларнинг озиклантирувчи кон-томирлари орқали интраартериал ва юқори технологик кимётерапия амалиётининг қўшилиши бундай касаллик билан оғриган беморлар ҳаёт сифати яхшиланиши, ўсмаларнинг ўсиш тезлиги сустлашиши ва ўлчамлари кичрайишига эришишга замин бўлди. Амалиёт кам инвазивлиги, умумий кимётерапияга нисбатан инток-

сикация ҳолатлари камлиги ва кон таҳлиллари натижаларига минимал таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Амалиётдан кейин беморларда ўртача умр кўриш даражаси узайиши қайд этилаётгани кувонарли ҳолатдир.

Интраартериал кимётерапия амалиёти яна бир йўналиш — болаларда учрайдиган ёмон сифатли тўр парда ўсмаси, яъни ретинобластомаларнинг даволаниш даражаси ошишига ҳам сабаб бўлди. Онкоофтальмологлар билан ҳамкорликда 2022 йилда амалиётга жорий қилинган ушбу усул натижасида кўплаб болажонларимизда нафақат кўзнинг сақлаб қолиниши, балки кўриш функцияси ҳам яхшиланишига эришилди. Олдинлари беморлар ушбу усулларни қабул қилиш учун чет эл клиникаларига даволаниш учун боришга мажбур бўлган бўлса, эндиликда марказнинг интервенцион нейрожаррохлар жамоаси бундай операцияларни юқори муваффақият билан амалга оширишяпти. Бундан ташқари, марказда бош мия жаррохлиги қаторида эпилепсия жаррохлиги амалиётлари ҳам бажарилади. Сўнгги маълумотларга кўра, дунё бўйича эпилепсия



билан 70 миллион нафардан ортиқ инсон касалланган. Шулардан 30 фоизи фармакорезистент, яъни дори препаратлари таъсирга берилмайди. Марказда эса касалликнинг айнан шу тури ҳам операция қилинади.

Эпилепсия жаррохлиги беморларнинг тутқаноқ хуружларини камайтириш ёки улардан бутунлай қутилиш имконини яратади. Бу эса мамлакатимизда ногиронликнинг камайишига хизмат қилади.

Марказ шифокорларининг эришилган натижалар билан чекланмай, ўз гоёлари асосида юқори технологияли жаррохлик операцияларининг инновацион турларини амалиётга дадил жорий қилиши кўплаб беморларнинг буткул соғайиши ҳамда юртимизда соғлом авлод шаклланишига хизмат қилмоқда.

@ssvuz

## НАВОИЙ ТАЖРИБАСИ

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ —  
ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

*Бугунги кунда Давлатимиз раҳбарининг бевосита эътибори ва гамхўрлиги билан келажагимиз бунёдкорлари бўлган болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш сифати йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Бундан биргина Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази мисолида яққол кўриб, гувоҳи бўлишимиз мумкин.*

Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази 195 ўринга мўлжалланган бўлиб, 401 минг нафардан зиёд 18 ёшгача бўлган болаларга шошилич ва режали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Шифохонанинг асосий вазифаси болаларда учрайдиган касалликларнинг муҳим йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган юқори технологияли диагностика, даволаш ва профилактик тиббий ёр-

дам кўрсатиш билан бир қаторда шаҳар ва туман тиббиёт муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий ёндашувлари ва технологияларини жорий этишдан иборатдир. Бугунги кунда марказ томонидан 2023 йилда 101 112 нафар беморга, шундан 12 335 нафарига стационар ҳамда 88 777 нафарига амбулатор шошилич ва режали тиббий хизмат кўрсатилди. Даволаш жараёнига инновацион, юқори техноло-



гик усулларни татбиқ қилиш мақсадида 3 нафар врач чет давлатларга, яъни 2 нафари Россия Федерациясида, 1 нафари Литва ва Германия давлатида малакаси-

ни ошириб қайтди. Бундан ташқари, 26 нафар врач Республика ихтисослашти-

Давоми 4 ва 5 – бетларда ▶



**Янги тахрирдаги Конституциянинг 48-моддасида ҳар ким соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғига мувофиқ, оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар, туман (шаҳар) марказий шифохоналари ва туғуруқхоналарда кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхати белгиланган.**

Мазкур рўйхатга кўра, эндиликда беморларга жами 235 турдаги дори воситалари, 28 та диагностик текширув, 46 та лаборатор таҳлил, 520 та ташхис, 27 та оператив даво ҳамда 76 та тиббий буюмлар давлат ҳисобидан бепул тақдим этилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг яшаш жойи ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қатор тиббий хизматлардан тенг фойдаланишларини таъминлашга ёрдам беради. Шунингдек, бу тиббиёт муассасалари ишини оптимallashtiriш ҳамда ресурсларни бошқаришга хизмат қилади.

Кейинги етти йилда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағлар ҳажми олти баробарга оширилди. Ушбу давр мобайнида шифохоналар ва шошилич тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт анжомлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар 12 баробар кўпайтирилди. Соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш учун халқаро молия ташкилотларидан 700 миллион доллардан зиёд маблағлар жалб қилинди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида янгидан ташкил этиладиган клиникалар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга тиббий хизматлар қисмида ягона солиқ тўлови-

дан озод этилган. Шунини эътироф этиш лозимки, шифохоналар сонининг ошиши соғлом рақобатни ривожлантириш, тиббиёт муассасаларининг сифатини оширишга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, клиникаларда беморларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тиббиёт ходимлари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган турли хатоликларнинг олдини олиш мақсадида назоратни кучайтиришни ҳам талаб этади.

Соғлиқни сақлаш тизимида тез тиббий ёрдамнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу сабаб унинг моддий-техник базасини яхшилаш, беморларга халқаро талабларга мос тез тиббий ёрдам кўрсатиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда шошилич тиббий ёрдамга чақирув бўлганда етиб бориш вақти ўртача 25-30 дақиқадан 8-12 дақиқачага камайди. Дори турлари 20 тадан 45 тагача оширилди.

Тез тиббий ёрдам тизимидаги ислоҳотларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнига тўхталадиган бўлсак, айтиш лозимки, юрак хуружи, инсульт, жароҳатлар ва бошқа шу каби жиддий вазиятларда тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш беморнинг ҳаётини сақлаб қолади ва оғир асоратлар ривожланишининг олдини олади. Бундан ташқари, аҳолининг тиббиёт тизимига ишончини

мустаҳкамлайди, жамиятда инсонларнинг хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлайди. Яна бир жиҳат, беморлар учун ихтисослаштирилган тиббий ёрдамдан фойдаланиш қулайлигини янада ошириш ҳамда шаффофликни таъминлаш мақсадида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга квота асосида ордер бериш тартиби бекор қилинди ҳамда электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тартиби жорий этилди. Ушбу тартиб бўйича беморлар ихтисослашган тиббий хизматларни ҳатто нодавлат тиббиёт муассасаларида ҳам кафолатланган пакет доирасида бепул олиш имконияти пайдо бўлди.

«Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича 9 та устувор вазифалар белгилаб ўтилган. Хусусан, аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш, болалар ўртасидаги ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, онкологик касалликларни эрта ташхис қўйиш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, соғлом ва фаол кексаликни таъминлаш, тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш каби мақсадлар ва вазифалар белгиланган. Уларни амалга оширишга доир қатор амалий чора-тадбирлар ҳам назарда тутилган. Айтиш лозимки, тиббиёт ташкилотларининг рақамлаштирилиши соҳага сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Хусусан, ҳар бир бемор тўғрисида қатта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш имкониятларини яратади, бу эса илмий изланишларга, диагностика ва даволашнинг янги

усулларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Шифокорларнинг асосий вақтини беморларни қабул қилиш билан ўтказишга имкон беради.

Соҳада малакали кадрларни тайёрлаш масаласига тўхталадиган бўлсак, тизимда олий тиббий таълим муассасалари сони 11 тага етказилди. Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ва Қорақалпоқ тиббиёт институти ташкил этилди. Шу билан бирга, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари олий таълим муассасаларида 6 та тиббиёт факультети очилди.

Мамлакатимизда биринчи марта ўрта тиббиёт ходимларига олий маълумот берувчи Ҳамширалар академияси ташкил этилиб, унинг негизида Туркиянинг Соғлиқ билимлари университетининг «Ҳамширалик иши» факультети очилди. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази ташкил этилган ҳам айна муддао бўлди. Бу борада малака тоифаси бериш бўйича аттестациядан ўтказиш ва улarga сертификат бериш ахборот тизими – tibtoifa.ssv.uz ишга туширилди.

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясида 2030 йилгача соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган асосий йўналиш ва мақсадларда ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етқа-

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, соҳани ислоҳ қилиш нафақат тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти ва қамровини, балки кўрсатиладиган хизматлар сифати, беморларнинг розилик даражаси ва аҳоли саломатлигини ҳар томонлама яхшилашни ҳам ўз ичига олади. Шу боис амалга оширилаётган ишларнинг натижаларини яқиндан кузатиб бориш ва баҳолаш, бутун соғлиқни сақлаш тизимини доимий равишда такомиллаштиришга интилиш зарур. Бинобарин, соҳанинг ривожини давлат ва жамият тараққиёти, халқ ҳаётининг фаровонлигида муҳим аҳамият касб этади.

Инобат ҲАКИМОВА,  
«Тараққиёт стратегияси» маркази бош мутахассиси.  
ЎЗА

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР: ТИББИЙ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ ВА ЯНГИ БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИ...

## ДИЛ ИЗҲОРИ

### Тиббиётдаги ислоҳотлар – инсон кадри учун эканлигини ўз мисолимда кўрдим

Ягона фарзандим – 11 ёшли Абдуқодир Ғулможоновдаги лор касалликларини даволатиш учун кўп азият чекдим. Лекин юқори технологияли оператив муолажани қўллашдан бошқа чора қолмади. Мендек ёлғиз она учун бу ечим топилмас муаммо эди. Охири Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилдим. Бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Алиёр Нуралиев ўғлимга тегишли тиббий ҳужжатларни кўрди ва масъул ходимларга Абдуқодирни «Муҳаммад Анвар» клиникасида операция қилдириш ҳақида кўрсатма берди.

ислоҳотлар – инсон кадри учун эканлигини ўз мисолимда кўриб, кўнглим тўлди. Бошқарма раҳбарияти, мутахассислари, «Муҳаммад Анвар» клиникаси жамоасининг жонкуярлиги, ғамхўрлигидан беҳад миннатдорман.

Клиниканинг етук врачлари Шухратжон Исмоилов, Алишер Шаробиддинов жарроҳлик амали-

ётини муваффақиятли ўтказдилар. Операциядан кейинги муолажалар жуда самарали бўлди. Тиббиётдаги

Мухайё АҲМЕДОВА,  
Уйчи тумани.

МУТАХАССИС МАСЛАХАТ БЕРАДИ

**Гепатит - бу турли хил табиатли яллигланишли жигар касалликлари гуруҳининг умумий номи бўлиб, жигар хужайраларининг парчаланиши ва унинг меъёрий фаолиятининг бузилишига олиб келадиган касалликлардир. Халқ тилида гепатитларни – “сарик касаллиги” сифатида билишади.**

**ГЕПАТИТ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?**

Жигарнинг яллигланишига, яъни гепатитларга турли хил омиллар сабаб бўлиши мумкин. Касалликнинг сабабига қараб гепатитлар: юкумли, токсик ва аутоиммун турлари фарқланади. Келинг ушбу гепатит турлари ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтсак:

**Инфекцион гепатит** тури ҳам ўз навбатида вирус табиатли ва бактериял турлари фарқланади. Демак гепатитларни ҳам вируслар, ҳам бактериялар келтириб чиқариши мумкин экан.

**Вирусли гепатитларнинг** А, В, С, D, E, G турлари фарқланади. Бундан ташқари, оддий герпес вируси, Эпштейн-Барр вируси (юкумли моноклөз), цитомегаловирус, сарик иситма вируси, қизилча, паротит каби вируслар ҳам гепатит келтириб чиқаришлари мумкин.

**Бактериял гепатитларни** эса захм (сифилис), лептоспироз, иерсиниоз (псевдотуберкулөз) каби инфекциялар келтириб чиқариши мумкин.

**Токсик гепатит** ҳам сариклик келтириб чиқарувчи касаллик бўлиб, танага турли хил зарарли моддалар кирганда токсик гепатит келиб чиқади. Яъни, захарланиш оқибатида жигарнинг шикастланиши – токсик гепатитдир. Токсик гепатитларга қуйидаги касалликлар олиб келади:

**Алкоголли токсик гепатит.** Бунда этанол, яъни ароқдан узоқ муддат фойдаланиш натижасида алкоголли жигар касаллигининг ривожланишига олиб келади.

**Дорили токсик гепатит.** Деярли ҳар қандай дори воситаси маълум бир одамнинг индивидуал сезгирлигига қараб ҳар хил оғирликдаги жигар шикастланишига олиб келиши мумкин.

**Кимёвий токсик гепатит.** Бензол билан, қўрғошин, симоб, мишьяк, фосфор каби баъзи металллар билан ва бошқа sanoat моддалари билан захарланиш натижасида токсик гепатит юзага келади.

**Аутоиммун гепатит** касаллигининг келиб чиқиш табиати ҳозиргача номаълум бўлиб қолмоқда. Бу касалликда инсон иммунитет тизими ўзининг жигар хужайраларига худди бегона каби муносабатда бўлади ва уларни йўқ қила бошлайди. Натижада гепатит ривожланади.

**ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРНИНГ ЮҚИШ ЙЎЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ҚАНДАЙ?**

**Юқиш йўлига кўра вирусли гепатитларнинг қуйидаги турлари мавжуддир:**

– **Энтерал йўл** – вирус ифлосланган озиқ-овқат ва сувни истеъмол қилганда танага киради;

– **Парентерал йўл** – вирус терининг ёки ишллик пардаларининг шикастланиши натижасида қонга киради;

– **Энтерал, яъни оғиз орқали юқадиган гепатитлар сарасига А ва Е вирусли гепатитлар кирса, парентерал гепатитларга эса В, С ва D гепатитлар киради;**

– **Энтерал гепатит** кўпинча ичак инфекциялари шаклида ўткир кечади васурункали шаклга ўтмайди. Шунинг учун вирусли гепатит А ва Е саратон касаллигига ўтмайди деб ҳисобланади;

– **В, С ва D парентерал гепатитлари** ҳам ўткир, ҳам бо ойдан ортиқ сурункали кечиши мумкин. Инфекциянинг юқиши бемор одамнинг биологик суюқликлари, яъни қони, спермаси, сўлаги ва бошқалари билан алоқа қилиш орқали содир бўлади.

**Бу алоқа йўллари қуйидагилардир:**

– **гиёҳванд моддаларни биргаликда инъекция қилишида** (укол қилишида) умумий игна орқали юқиши мумкин (вирусли гепатит С нинг энг характерли, аммо ягона йўли эмас);

– **жинсий йўл билан юқадиган инфекция** (вирусли гепатит В ҳолатида кенг тарқалган);

– **қон қуйиш хавфи** (2 миллион қон қуйиш учун 1та зарарланиш) ва бошқа инвазив тиббий ва стоматологик манипуляциялар истисно қилинмайди (жуда кам ҳолларда);

– **татуировка, пирсинг ва маникюр вақтида ёмон ишлов**

берилган асбоблар орқали; – **стерил бўлмаган асбоблар билан соқол олиш ёки гигиена воситаларини алмашиш** (тиш чўткалари, устара, рўмолча) йўли билан.

Шу билан бирга, парентерал гепатит ўпиш, кучоқлаш ёки кундалик маиший алоқалар орқали, масалан, вилкалар пичокни ишлатиш ёки овқатланиш пайтида юкмайди.

Вирусли гепатитнинг белгилари касаллик кечинининг



# ГЕПАТИТЛАР, ЖИГАР ЦИРРОЗИ ВА САРАТОН. БУЛАР ЎРТАСИДА ҚАНДАЙ БОҒЛИҚЛИК БОР?

оғирлигига ва вируснинг ўзига хос турига қараб ўзгаради. Гепатит ўртасида сариклик (тери ва склеранинг сарғайиши, нажас ва сийдикнинг тўқлашиши) ва гриппга ўхшаш интоксикация синдроми (иситма, ҳолсизлик, чарчоқ ва уйку бузилиши) шаклида намоён бўлиши мумкин. Бирок, бундай кечиш қонуният эмас ва касаллик сарикликсиз, яъни интоксикация устунлиги билан кечиши ҳам мумкин, белгисиз бўлиши мумкин, ва ҳатто бутунлай яширин, яъни белгиларсиз бўлиши ҳам мумкин.

**ГЕПАТИТ САРАТОН РИВОЖЛАНИШ ҲАВФИНИ ОШИРАДИМИ?**

Ҳар қандай тўқималарнинг сурункали яллигланиши (шу жумладан гепатит билан оғриган жигар) ўсмаларнинг ривожланиши учун қулай муҳит яратади. Яллигланиш жараёни жигарда тuzалмайдиган жароҳат ҳолатини ҳосил қилади. Бу ўсмани ўсиш ва омон қолиш омиллари билан таъминлайди. Шунинг учун жигар саратони нафақат цирроз босқичида, балки сурункали гепатит мавжудлигида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

**ГЕПАТИТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОЛЛАРДА ЖИГАР САРАТОНИ РИВОЖЛАНИШ ҲАВФИ ҚАНЧАЛИК?**

Жигар саратони ҳолатларининг 50 фоиздан ортиғи гепатит В ва С билан бевосита боғлиқдир. Гепатит В вируси Осиёнинг аксарият мамлакатларида (Япониядан ташқари), Жанубий Америка ва Африкада жигар саратонининг асосий сабаби ҳисобланса (60 фоиз ҳолларда), гепатит С вируси

– Фарбий Европа, Шимолий Америкада ва Японияда саратоннинг асосий сабабчиси ҳисобланар экан.

Сурункали гепатит билан оғриган беморлар гуруҳида жигар саратони ривожланиш хавфи ҳар йили тахминан 1% ни ташкил қилади. Бундай аҳамиятсиз кўринадиган хавф вақт ўтиши билан кумулятив, яъни йиғилиб бориш таъсирига эга бўлади ва ўсма ривожланиш хавфи ортиб боради. Жигар саратонининг ривожланиш ўртача ёши 50-60 ёшни ташкил этади.

**ЦИРРОЗ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?**

**Цирроз** – бу, кесилган жойда ривожланадиган чандик каби, соғлом жигар тўқимасини чандик тўқимаси билан алмашинишидир. Одатда, бу ҳолат дарҳол ривожланмайди, лекин узоқ вақт давомида — йиллар ёки ҳафто ўнлаб йиллар давомида шаклланиб боради. Чандик тўқималарининг шаклланиши – жигарга салбий омил (алкогол ёки вирус) томонидан доимий зарар етказилишининг натижасидир.

Узоқ вақт давомида цирроз белгисиз кечади, аммо вақт ўтиши билан соғлом тўқималар камайиб боради ва жигар ўз вазифаларини бажаришни тўхтатади. Бу прогрессив заифлик, иштаҳа ва вазннинг йўқолиши, ўнг ковуруға остида оғрик, кўнгил айниши ва оғрик билан намоён бўлади. Кечки босқичларга киргандан кейин эса, жигарциррози жи-

Шундай экан, хурматли юртдошлар, сурункали гепатитлар билан оғриган инсонлар қаттиқ парҳезга амал қилишлари, даволанишлари ва касалликни циррозга ва жигар саратонига айланиш хавфини бартараф қилишлари тавсия этилади.

**Юсуф ЯКУБОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг гепатопанкреатобилиар ўсмалар жарроҳлиги бўлими илмий раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди.

гар трансплантациясини талаб қиладиган қайтмас ҳолатга айланади.

**ЦИРРОЗНИНГ САБАБЛАРИ НИМАЛАР?**

**Цирротик шикастланишга** олиб келадиган кўплаб жигар касалликлари мавжуд. **Энг кенг тарқалган сабаблар қуйидагилар:**

– **спиртли ичимликларни суистеъмол қилиши;**

– **сурункали вирусли гепатит В ва С;**

– **алкоголсиз ёғли жигар касаллиги;**

– **гемохроматоз** (организмда темирнинг ортиқча тўпланиши билан тавсифланган ирсий касаллик).

**ЦИРРОЗ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОЛЛАРНИНГ ОРАСИДА САРАТОН БИЛАН ОҒРИЙДИГАНЛАР ҚАНЧА?**

Ҳар қандай табиатдаги жигар циррози билан оғриган беморларда ўсма ривожланиш хавфи ортади. Жигар саратони билан оғриган беморларнинг 80-90 фоиз дастлаб цирроз ташхиси қўйилган. Шундай қилиб, гепатит С вируси келтириб чиқарадиган цирроз билан оғриган беморларда жигар саратони ривожланишининг доимий хавфи мавжуд бўлиб, йилига 3-5 фоиз цирроз ҳолати саратонга айланади. Шунинг учун, хавф гуруҳига мансуб бўлган беморлар мунтазам равишда шифокор назоратида бўлиши керак.

**Шундай қилиб, қуйидаги ҳулосаларни келтиришимиз мумкин:**

*Жигар саратонининг 50 фоиздан ортиғи гепатит В ва С вируслари билан зарарланган сурункали гепатитлардан кейин келиб чиқади.*

*Ҳар қандай табиатдаги жигар циррози билан оғриган беморларда саратон ривожланиш хавфи юқоридир.*

*Жигар саратони нафақат цирроз босқичида, балки сурункали гепатит пайтида ҳам пайдо бўлиши мумкин.*

# БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ –



◀ Давоми. Боши 1-бетда

дейди Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази Фарход Қурбонов биз билан мулоқотда. – Бунинг амалий натижаси туфайли марказимиз ходимлари томонидан мустақил равишда травматологик-ортопедик, юз-жағ жарроҳлиги, хирургия ва урология йўналишларида 150 га яқин юқори технологик кам инвазив амалиётлар муваффақиятли ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ихтисослашган юқори технологик тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш мақсадида Марказ томонидан республикадаги бошқа ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари яхшилашиб бормоқда. Жумладан, янги туғилган чақалоқларнинг аудиологик скрининг текширувни

юқори технологик амалиётлар кўрсатилди. Республика даражасидаги марказлардан 10 дан зиёд юқори технологик амалиётлар жорий этилди. Жумладан, жорий йил 9-10 февраль кунлари Болалар миллий тиббиёт марказининг болалар хирургия, урология, нейрохирургия, неврология, кардиология ва юз-жарроҳлик йўналишлари бўйича 8 нафар мутахассислар иштирокида 239 нафар бола тиббий-кўрикдан ўтказилди



хамда 20 нафар бемор болага кам инвазив ва юқори технологик амалиётлар кўрсатилди. Март ойида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари томонидан болалар хирургияси ва урология йўналишлари бўйича 18 нафар болада тиббий-кўрик



бий-кўрикдан ўтказилди ҳамда 3 нафар бемор болага кам инвазив ва юқори технологик амалиётлар ўтказилди. Малакали шифокор Р. Шарапов билан марказ мутахассислари иштирокида чанок-сон бўғимидан сон суягини патологик чиқиши касаллиги мавжуд бўлган 3,5 ёшли беморда сон суяги бошчасини очик усулда жойига солиш юқори технологик амалиёт, шунингдек, иккала оёқ кафтини ясси валгусли 4 даражали деформацияси касаллиги мавжуд бўлган 13 ёшли беморда кам инвазив артроэризация амалиёти муваффақиятли бажарилди.

Бундан ташқари, Республика болалар кам инвазив ва эндоскопик хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Б. Абдусаматов ҳамроҳлигида Хатирчи, Нурота, Қизилтепа туманлари кўп

рилган тиббиёт марказларига ва 87 нафар ўрта тиббиёт ходимлари вилоятимиздаги малака ошириш марказларида ўз тажрибаларини оширдилар. Марказимиз тор соҳа мутахассислари малакасини ошириш бўйича Беларуссиянинг 4 та, Россия Федерациясининг 1 та ва Туркия давлатининг 1 та нуфузли клиникалари билан ҳамкорлик Меморандумларини имзолади, – дейди Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази Фарход Қурбонов. – Марказнинг барча бўлимларида электрон тиббиёт тизими “Техно Мед” онлайн дастури жорий этилган бўлиб, у бизга масофадан ишлаш имконини яратмоқда. Шунингдек, бу ерда оғир тоифадаги беморларни даволаш ва диагностика қилишда телемедицина йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилнинг бугунги кунига қадар 17 нафар бемор болага Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари мутахассисларидан онлайн консултация олинди.

Марказда дори-дармон таъминоти тўлиқ йўлга қўйилган бўлиб, озик-овқат, стерилизация ва кир ювиш хизмати аутсорсинг тартибида амалга оширилмоқда. 2023 йилда марказга маҳаллий маблағлар ҳисобидан электр узатишларини олдини олиш мақсадида 100 квт қувватдаги электрогенератор ўрнатилди. Эндликда муассаса тўлиқ марказлашган иссиқлик таъминотидан узилиб, 2022 йилда алоҳида иссиқлик қозони асосида мустақил равишда иссиқлик тизимига ўтказилди.

Марказ раҳбари Фарход Қурбоновнинг сўзларига кўра, муассасага болажон юртдошларимиз томонидан 106 млн сўмлик ҳомийлик маблағлари йўналтирилган, жумладан 15 ўринли гематология, онкология ва клиник иммунология бўлимида даволанаётган гемофилия ва ўткир лейкоз хасталиги би-



лан оғриган беморлар учун 51 млн сўмлик дори-дармонлар тарқатилди ҳамда ушбу бўлимнинг мавжуд 7 та палаталарига ҳомийлик ёрдами билан 7 та совутгич, 7 та телевизор, 7 та микро тўлқинли печ ва 3 дона музлатгич ҳамда узлуксиз Wi-fi интернет алоқаси билан таъминланди. 2023 йил якуни билан 18 ёшгача бўлган юрак туғма нуқсонлари билан 220 та диспансер назоратида турган болаларнинг 90 нафаридан юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Ушбу амалиётлардан 17 нафари вилоят миқёсида, шундан 9 нафаридан эндоваскуляр ва 8 нафаридан очик усулда амалиётлар олиб борилди. Қолган 73 нафар беморда амалиётлар Республика миқёсидаги марказларда ўтказилиб, уларнинг 22 нафаридан эндоваскуляр ва 51 нафаридан очик усулда бажарилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, марказда хирургик, травматологик, ЛОР, юз-жарроҳлиги йўналишларида 11 турдан ортиқ кам инвазив ва юқори технологик амалиётлар Республика болалар миллий тиббиёт маркази, Республика болалар кам инвазив эндоваскуляр хирургия илмий маркази, Республика ихтисослаштирилган травматология-ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент давлат стоматология институти ходимлари билан ҳамкорликда жорий этилди, –

ўтказиш учун марказдаги 2 та ҳамшира ва 1 та шифокор ўқитилиб, ўтган йилдан бошлаб янги туғилган чақалоқларнинг аудиологик скрининг текширувни ўтказиш йўлга қўйилди.

Жорий йил бошидан шу кунга қадар 18 ёшгача бўлган юрак туғма нуқсонлари билан диспансер назоратида турган 16 нафар болада юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Ушбу амалиётлардан 2 нафари вилоят миқёсида (эндоваскуляр амалиёт). Қолган 14 нафар беморда амалиётлар Республика миқёсидаги марказларда ўтказилиб, уларнинг 2 нафари эндоваскуляр ва 12 нафари очик усулда амалга оширилди. Шунингдек, хирургия, урология, травматология-ортопедия, нейрохирургия, юз-жағ жарроҳлиги ва ЛОР касалликлари бўйича 611 та операция амалга оширилди. Шундан 75 нафар бемор болага



ўтказилди ҳамда уларнинг 4 нафаридан кам инвазив ва юқори технологик амалиётлар бажарилди. Республика ихтисослаштирилган травматология-ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика болалар ортопедия маркази болалар травматолог-ортопедия йўналишлари бўйича 6 нафар мутахассислари билан ҳамкорликда 358 нафар бола тиб-

тармоқли тиббиёт бирлашмаларига болалар хирургиясининг ҳозирги ҳолати ўрганилди ҳамда 30 дан зиёд бемор болалар тиббий-кўрикдан ўтказилиб, уларга керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Йил бошидан бери вертикал бошқарув тизими бўйича марказимиз ўзига “Йўл харита” тузиб олиб, тор соҳа мутахассислари томонидан шаҳар

НАВОИЙ ТАЖРИБАСИ

# ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ



«Давоми. Боши 1 ва 4-бетларда»

ва туманларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш бўйича 11 мартаба жойларга чиқиб, 18 ёшгача бўлган 662 нафар болада тиббий-кўрик, шундан 525 нафар болага амбулатор тавсиялар, 27 нафар болага туман тиббиёт бирлашмарига ётиб даволанишлари учун кўрсатмалар берилди. Марказимиз

мутахассислари томонидан Учкудук, Томди, Зарафшон шаҳри, Қизилтепа ва Нурота туманларига чиқиб, 6 турдаги жаррохлик амалиётлари жорий қилиб келинди, – дейди марказ раҳбари Фарход Қурбонов.

Давлатимиз раҳбарининг «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги 216-сонли қарорига мувофиқ Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида «Шошилич педиатрик мобил навбатчи реанимация бригадалар» фаолияти йўлга қўйилди ва ушбу бригада орқали йил бошидан бўён 48 мартаба шаҳар ва туманларга чиқилиб, шаҳар ва туманлардан 40 нафар оғир беморларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида марказнинг реанимация бўлимига кўчирилди ҳамда зарур текширув ва даво муолажалар

олиб борилди, 8 нафарига ўша жойнинг ўзида керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошидаги «Меҳри қўллар» имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази билан ҳамкорликда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг тажрибали эхокардиографист ва кардиожаррох врачлари томонидан юрак туғма нуқсони билан туғилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 36 нафар фарзанди чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди ва 18 нафар болага юрак жаррохлик амалиёти имтиёзли тарзда бажарилди. 10 нафар беморга Республика миқёсида, 7 нафар беморга вилоят миқёсида амалиёт ўтказилиши режалаштирилди.

Дарҳақиқат, халқимизда



бир гап бор: «Боланинг бегонаси бўлмайди». Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ана шу миллий қадриятларимизга мос ҳолда вилоятдаги бемор болажонларни ўз бағрига олиб, уларга шошилич, кечиктириб бўлмайдиган ва юқори технологик ёрдам кўрсатишда Навоий тажрибасини яратмоқда, десак муболага бўлмайди. Марказда шифо топаётган болажонлар

ва уларнинг ота-оналарининг қувончи ва миннатдорчиликларини бир сўз билан ифода қилаётган марказ раҳбари Фарход Қурбонов бошчилигидаги барча тиббиёт ходимларининг эзгу ишларига улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА,  
журналист.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ СТИПЕНДИАТИ

## ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ БОБИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

*Ёқубова Нилуфар Жамшидовна 2003-йил 21-апрелда Навоий вилоятида туғилган. Зарафшон шаҳридаги 13-айрим фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактабда таҳсил олган ва мактаб йилларидаёқ кимё, биология ва инглиз тили фанларидан турли танловлар ҳамда олимпиадаларда фахрли ўринларни қўлга киритган. Бундан ташқари, адабиётнинг наср йўналишида ижод қилган ва мазкур йўналишдаги асарлари турли матбуот нашрлари саҳифаларида эълон қилинган. Шунингдек, болалар адабиёти йўналишида 2 та китоб чоп этган ва асарлари республика миқёсидаги танловларда ғолибликни қўлга киритган.*

2021-йилда мактабни олтин медаль билан тамомлаб, шу йили Тошкент фармацевтика институтига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган. Институтга ўқишга қабул қилинганидан бошлаб шу кунгача турли танлов ва тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. 17 ёшида IELTS имтиҳонидан 7.0 баллни қўлга киритган Нилуфар, институтда 1-курсни тамомлагандан сўнг, 2022-йилда мазкур имтиҳонни яна бир бор топшириб, 7.5 баллни олишга муваффақ бўлган. Чет тилини билиш даражаси туфайли Пре-

